

## **Риштон тумани бўйича 2022 йилда жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш бўйича МАЪЛУМОТ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072, ПҚ-5250-сонли қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йил давомида жами туман маҳаллий бюджетидан 6039.1 млн сўм маблағлар шаклланиб, шундан “Ташабbusли бюджет” лойиҳасининг 1-босқичида 6039.0 млн сўм маблағлар тумандаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида жами 174 та таклифлардан энг кўп овоз тўплаган 8 та таклифлар ғолиб деб топилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.04.2022 йилдаги ПҚ-197-сон қарорига асосан ташабbusли бюджетлаштириш жараёнларида ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшимча равишда 4 та таклиф учун 2385.0 млн сум маблағлар ажратилди. Ушбу таклифларга фуқаролар томонидан жами 73129 та овоз билдирилди (208354 та аҳолининг 35.0 фоизини ташкил этмоқда).

- Энг кўп овоз олган Бужай МФЙ худудини газлаштиришга 10312 та овоз билан 1080.0 млн сўм;
- 58-умумий ўрта таълим мактабига 6966 та овоз билан 700.0 млн сўм;
- Риштон тумани Богистон МФЙга 6859 та овоз билан 1000.0 млн сўм;
- Риштон тумани Жахонобод МФЙга 6829 та овоз билан 998.0 млн сўм;
- Риштон тумани Чек-жалаер МФЙга 6812 та овоз билан 450.0 млн сўм;
- Риштон тумани Зохидон юкумли касалликлар шифохонасига 6744 та овоз билан 750.0 млн сўм;
- Риштон тумани Куйи-Авазбой МФЙга 6652 та овоз билан 596.0 млн сўм;
- 32-умумий ўрта таълим мактабига 6618 та овоз билан 800.0 млн сўм;
- 14-умумий ўрта таълим мактабига 6018 та овоз билан 500.0 млн сўм;
- 2-ИДУМига 4908 та овоз билан 980.0 млн сўм;
- Риштон туман Давлат архивига 2218 та овоз билан 400.0 млн сум;
- 30-ИДУМига 2193 та овоз билан 505.0 млн сўм маблағлар ажратилди.

“Ташабbusли бюджет” лойиҳасининг 2-босқичида туман маҳаллий бюджетидан 5914.6 млн сўм маблағлар шаклланиб жами 171 та таклифлардан энг кўп овоз тўплаган 5 та таклифлар ғолиб деб топилиб ушбу таклифларга фуқаролар томонидан жами 51760 та овоз билдирилди (208354 та аҳолининг 24,8 фоизини ташкил этмоқда).

“Ташабbusли бюджет” лойиҳасининг 2-босқичида энг кўп овоз олган таклиф Риштон тумани Октомир МФЙга 10414 та овоз билан 1200.0 млн сўм;

- Риштон тумани Тураобод МФЙга 10400 та овоз билан 1200.0 млн сўм;
- 52-умумий ўрта таълим мактабига 10322 та овоз билан 1100.0 млн сўм;
- Риштон тумани Жалаер МФЙга 10318 та овоз билан 1200.0 млн сўм;
- Риштон тумани Кошкайрон МФЙга 10318 та овоз билан 1200.0 млн сум.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.10.2022 йилдаги ПҚ-409-сон қарорига асосан ташабbusли бюджетлаштириш жараёнларида ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган лойиҳани амалга ошириш учун қўшимча равишда

- Риштон тумани Вохим МФЙга 9837 та овоз олган таклиф учун юқоридаги қарорга асосан 1130.0 млн сўм;
- Риштон туманидаги 4-ИДУМига 5856 та овоз билан 920.0 млн сум;

- 
- Риштон тумани Зохидон МФЙга 5090 та овоз билан 1200.0 млн сўм;
  - 29-умумий ўрта таълим мактабига 3019 та овоз билан 1200.0 млн сўм;
  - 40-умумий ўрта таълим мактабига 3009 та овоз билан 900.0 млн сўм маблағлар ажратилди.

**Риштон тумани молия бўлими мудири И. Жўраев**

2023-01-09 11:54:00